




Шаҳрибону Бегим - I. Султон Абу саъиднинг энг кичик (ўн иккинчи) кизи. Султон Хусайн никоҳида бўлган. “Б.”да ёзилишича, Чекмон урушида барча харам ахли маҳофадан чикиб, отга минганда Шаҳрибону Бегим бундай килмаганидан ранжиган Султон Хусайн уни талок қўйган. Шаҳрибону Бегим Мовароуннаҳр ва Хуросон Темурийлар қўлидан чикиб кетганидан сўнг, Бобурнинг Кобулдаги саройига келиб истикомат қилган. Бобур барча аммалари катори унга ҳам ҳурмат қўрсатиб, ер-жой инъом қилган. Шаҳрибону Бегим бу жойда бог солдирган, у Шаҳроро боги деб аталган.

II. Бобурнинг ўғай синглиси. Умаршайх Мирзонинг учинчи кизи. Онаси - Умидбегим. Бобурдан саккиз ёш кичик бўлган (“Б.”, 9а). Жунайд Барлосга эрга теккан.

"Бобур Энциклопедияси" китобидан